



Мен сизлар учун энг қўрқадиган нарса бу кичик ширкдир», дедилар. Шунда саҳобалар «Ё Расулуллоҳ, кичик ширк нима?» деб сўрашди. «У риёдир

Маҳмуд ибн Лабид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизлар учун энг қўрқадиган нарса бу кичик ширкдир», дедилар. Шунда саҳобалар «Ё Расулуллоҳ, кичик ширк нима?» деб сўрашди. «У риёдир. Аллоҳ таоло қиёмат куни бандаларни қилган амалларига яраша ҳисобкитоб қилганда: «Улар учун риё қилган кимсаларингиз олдига боринглар, қаранглар-чи, уларнинг ҳузурида бирор мукофот топармиканлизлар» деб айтади», - деб жавоб бердилар»
[Хасан] [Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда умматлари учун энг қўрққан нарсалари кичик ширк риё эканини хабар бермоқдалар. Риё - одамлар кўришлиги учун амал қилиш. Сўнгра риёкорларнинг Қиёматда олажак жазолари ҳақида шундай дедилар: «Ким учун амал қилган бўлсанглар шунга боринглар, улар учун қилган ишларингиз учун сизга ажру савоб бера олармиканлар?!».

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3381>